



Хурматли тахрират ходимлари. Бизнинг туманимизда жорий йилда қўлаб жой номлари ўзгартирилиб, қайтадан номланди. Жумладан, сўлим кўчалардан бирита Порсо Шамсиев номи берилди. Аммо биз у киши ҳақида унчалик яхши маълумотга эга эмасмиз. Агар илҳом бўлса шу инсон ҳақида тулароқ маълумот берсангизлар. Хурмат билан Дилором ҚОСИМОВА.

○

Биз ушбу хат юзасидан Бектемир тумани атамалар комиссиясининг раиси, туман Давлат назорат комиссиясининг раиси Мавлон Шукрович билан учрашиб, унга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Мавлон Шукрович, Бектемир тумани атамалар комиссияси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар маълум. Сизлар кўчаларни қайта номлашда асосан нима-ларга эътибор бераясизлар?

* Муштарий илтимосига кўра ХУРМАТ ИФОДАСИ

— Аввало шу нарсани мамнуният билан айтиш керакки, истифол, поканиш, миллий ва маданий қадриятларимизни тиклаш, ўзгиртириш наноён қилиш, тарихимизга ҳурмат билан ёндашиш каби муҳим масалаларни ҳал қилиш бизга насоб этганидан жуда хурсандимиз.

Айни пайтда туманимизда бу ишларнинг бир қисmini амалга ошириш туман атамалар комиссиясига юклатилган. Биз кўчаларнинг номларини ўзгартиришда аввал-бор ўзбекларга хос бўлган одамийлик, байналмилаллик ва бошқа миллий вакилларга бўлган ҳурмат-эҳтиромни амалда кўрсатаймиз. Эскириб қолган маъносиз номларнинг ҳаммасини ўзгартириб туркий Хусайн Бойқаро, рус Картавин, қозоқ Мухтор Азиев, уйғур Билол Нозим, корейс Чо Мен Хи, ўзбек Порсо Шамсиев, татар Фотих Амрихон ҳамда чиройли тарихий номлар «Қўқон Дарбоза», «Бектемир», «Олтин Тоған» ва бошқа шу каби ном ва исмларни қўйиб чиқдик.

— Юқорида қайд этилган номларни танлашда комиссия кимлар кўмак берди?

— Албатта бу номларни топиб қўйиш ўз-ўзидан бўлган йўқ. Бизга бу борада Қўлемалар институти, Тил ва адабиёт институти ходимлари, Навоий номидаги адабиёт музейи, Ойбек номидаги давлат тарих музейи ходимлари, шунингдек шоир ва олимларимиздан Абдулла Орипов, Азиз Қайумов, Абдуқодир Ҳайитметов, Суюма Ғаниева, Қодир Фозилхўжаев, Хусния Шамсиева, Раъно Хўжаева, Бақодир Валиев ва бошқалар қўйишда ёрдам бердилар. Шу билан бирга бу ишларни амалга оширишда Халқ демократик партиясининг Бектемир тумани кенгаши котиби Раъно Маматқулованинг ҳам хизматлари бор.

— Туман ҳудудидagi кўчалардан бирита Порсо Шамсиев номи берилди. Бу номдан қўйилган газетхонларимиз беклар экан. Ўз меҳнатсеварлиги туфайли ҳаётида ном қўйиб қўйган аша шу олимимиз ҳақида ҳам ба-тафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳа, дарҳақиқат биз туманимиздаги сўлим кўчалардан бирита Порсо Шамсиев номи бердик. Яхшидан ном қўлади деганларидек, у кишининг яхши фазилатлари ва адабиётимизга қўшган улкан ҳиссалари ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин. Биз унинг қўлаб шоғирдари ҳамда қўйишда тилга олиб ўтилган ҳурматли олимларимиз билан маслаҳатлашган ҳолда у кишининг табарруқ номларини кўчаларимиздан бирита қўйдик.

Порсо Шамсиев республикамизда матишуослик илмининг равнақида жуда катта ҳисса қўшган, матишуос олимидир. У 1897 йилнинг февраль ойида Бухородаги Хона Порсо мақаласида таваллуд топан. Аввал осон усулдаги мактабда сўнгра мадрасада тахсил кўрган. Ўз меҳнат фаолиятини она юрти Бухорода амрилик давридаёқ бошлаган. Мирини барҳам топган Бухоро маорифининг ташкил этишда жонбошқ кўрсатган.

Порсо Шамсиев 1925 йилда Тошкентга келган ва халқ маорифи соҳасида ишлаб бошладик. 30-йилларда унинг бир қанча вақт мактабларида қўламан бўлиб келган «Адабиётдан иш китоби», «Адабиёт дарслиги», «Ўзбек тили дарслиги», биринчи ва иккинчи «Ўқиш китоби» каби китоблари босилиб чиқди.

30-йилларнинг охириларидан бошлаб, соёқ коммунист-тик партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмасига биноан Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш мақсадида шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уни халқ оmmasига етказиш учун кенг оммавий нашр ишлари аяқ олиб кетди. Жумхуриятдаги етук олимлар, мумтоз адабиёт билимдонлари бу кутлуғ ва масъулиятли ишга жалб қилинадилар. Жумладан, Порсо Шамсиев ҳам бу даврда биринчи марта Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатин», кейинроқ «Маҳбуб-ул-қулуб», «Мақолису-нафос», «Сади Искандарий» каби асарларини нашр эттирдик. Унинг ноёб истеъдоди ва чуқур билим эгаси эканлиги шу вақтларда матишуослик тадқиқотлар жараёнида жуда ёрқин намоён бўлади. Ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, форс-тожик адабиёт-идан пухта хабардорлиги, араб ва форс тилларини били-ши матишуосликда жуда қўл келди.

Порсо Шамсиев 1952 йилда Алишер Навоийнинг «Сабаъи сайёр» достонининг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, уни номзодлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилади. 1956 йилда аса достонни алоҳида нашр эттирди. Матишуос олим Навоийнинг улкан «Хамса»си таркибидagi достонлар устида олиб борган кўп йиллик меҳнатини яқунлаб, 1970 йилда «Алишер Навоий «Хамса»сининг илмий-танқидий тексти ва уни тайёрлаш принциплари» деган манзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Порсо Шамсиев ҳазрат Навоийнинг 525 йиллик юби-лейи муносабати билан чоп этилган шоир асарларининг 15 жилдлиги учун ҳам унинг ўндан ортиқ асарларини тайёрлаб беради. Шунингдек, унинг матишуосликдаги фаолияти фақат Алишер Навоий асарлари билан че-гараланиб қолмасдан, олти жилдлик «Ўзбек адабиёти» ва «Ўзбек поэзияси антологияси»нинг нашрларида ҳам фаол қатнашади. Бобурнинг «Бобурнома» асари тўлиқ нашрини амалга оширади. Олим таржима соҳасида ҳам анча ишлар қилган.

Хуллас, Порсо Шамсиев ҳақида қанчалик гурурланиб гапирсак арзийди. Биз туманимиз кўчаларидан бирини унинг номи билан аташимиз ҳам олимимизга бўлган ҳурматиимиздан далолат беради.

Сўхбатдош Муҳиддин БОЗОРОВ.

ДУНЕГА келибману, кеча-қундуз зикр тушар эмшман. Ойил дойма исимини Зикрилла деб атабди. Зикр тушши бироз камайиб, сўнг нафас олишим ра-вон бўлиб кетибди.

Оилада бувим, отам ва мен яшар эдик. Унча ака-укаларим, опа-сингилларим ҳар хил касаллик-лардан дунёдан ўтиб бўлган экан-лар. Нега энди улар дунёдан ўтиб кетаверадилар. Демак, ҳаёт мендан шифокор бўлишни талаб қилади. Талабалик йилларимда Тошкент Давлат тиббиёт институ-тида ўқир эканман, маҳалла ко-митетининг саркотиби эдим. 1932 йил кечқурун идорани очиб муҳ-тож кишиларга тегишли ҳужжат-ларни ёза бошладим. Бир кун и-дора олдиға бир машина келиб тўхтади. Унинг олд эшигини очиб, келишган рус зобити чиқиб келди. У менинг олдимга кириб:

— Исми-шарифинг нима, — деб сўради.

— Эгамбердиев, — дедим.
— Ҳозирок машинаға чин, — деди у қатъий.

Манзилга етиб келгач, у мени янги қурилган Ички ишлар вази-рлиги биносига бошлаб кирди. Бир хонаға кириб стулга жойлашиб ўтирар эканман, менга жиддий назар ташлаб:

— Янгийўлда тергов қилинаёт-ган Эгамбердиев сента ким бўла-ди, — сўради у кутилмаганда.

— Хеч ким, — дедим.

У эса жиддий боқиб:

— Мен сента кўрсатиб қўяман ҳеч кимни, — дея юзимға бир тарсаки туширди. Мен стулим би-лан ерга ағнадим. У чиқиб кет-ди. Кеч бўлди. Қоронғи тушди. Кечаси соат 11 ларда яна пайдо бўлди-а:

— Хўш, эсладингми, — деди.

— Йўқ, — дедим.

Эшикни очиб:

— Йўқол, — деди. Мен кетдим.

Кейин билсам, Эгамбердиев Янгийўлда раҳбар бўлиб ишлаган экан. Шунинг учун ҳам халқ душмани деб тергов қилинаётган экан. У кишининг ўғли Низомий номдаги педагогика институтида профессор лавозимда хизмат қилар эмиш.

Улуг Ватан урушида жангу жа-далнинг бошидан охиригача бўл-ди. Уруш тамом бўлди. Энди уйга — Тошкентга қайтиш мум-кин. Шунинг учун ота, хотин, бола-чақаларға мактуб ёзиш им-конияти туғилди. Мактубда «Худо-ға шукрлар бўлсинки, соғ-сало-матман. Тез кунларда дийдор кў-ришамиз. Аммо мени кўрагимда бирор орден, ҳаттоки медалга ҳам, елкамда эса унвон ҳам йўқ» деган сўзларни ёздим. Мактубни битганимдан кейин мени суриш-тириб қўлишди. Госпиталь раҳба-ри Зелкенд мени ҳузурига чақи-риб:

● СЕВГИ — нақадар қудратли ва пок туйғу! Усиз ҳаёт нурсиз. Усиз ҳатто табиат мўъжизалар кашф этолмас, гўзалликлар яра-толмас. У шундай ғойибона сирли қудратга эгаки, унинг таърифиға сўз ояки! У тўфайли қаҳрамонликлар, кўз илғамас, ақлга сима-мас жасоратлар содир бўлади. У тўфайли кишилар қайта-дан дунёга келадилар. У ҳаёт маъноси, орузлар ча-маннинг боғбони, Умрининг баҳори, тақдирнинг тоғи. У кирган қалбда ёвузликка ўрин қолмайди. Чунки у гўзаллик яратувчисидир.

● СЕВГИ — олийжаноб-лиқнинг энг гўзал қўрнини-шидир. У саховат — мурув-ват бобида баҳордан қол-шимайди.

● СЕВГИНИНГ қандай-лигини билмасан — демак севабсан.

● СЕВГИ ҳамиша ҳам ки-шиларни эгуликка қорлай бермас экан (Чунки бу тар-бияга боғлиқ). Батъан у ёвуз қалбга банди бўлар-кан ёвузликни интиҳосига етказаркан. Демакки, у ин-сонларни ўзиниға таинтиди. Фазилати, иллатлар чўқи-ри-

сига олиб чиқади.

● СЕВГИ бобида инсон ҳам юксалиши, ҳам тубанла-шиши мумкин. Бунда суйга-ни олдиға ўзини қанчалар камтар тутса, «паст олса» — у буюклашиб ва аксин-

* Дилдан томан зарралар

СЕВГИ

ча, кибру ҳавоға берилса, ўзи-ни юқори қўйса у шу қадар тубанлашади. Чунки ҳар на-рсанинг ўз меъёри — чегара-си бор. Ҳатто меҳрининг ҳам, муҳаббат қанчалар кучли бўлса гўё кишини шунчалар оқиз қилиб қў-йди. Муҳаббат қадрланса, у ҳақиқий қудратга, енгил-мас кучга айланади.

● СЕВГИ — севаганга ҳам, севаилганга ҳам кўп бахт келтиради. Инсоннинг қан-дайлиги севагига бўлган му-носабатда билинади.

Сабаби гўзаллик ўз ўр-нини топандағига ҳақиқий гўзалликка айланади.

● ЎЗИНИ бирон-бир ғой йўлида қурбон қилмоқли-ни қўпчилик қилмади ва кўрлик деб атасалар эҳти-мом. Аммо улар чин инсо-нийлик тиссолидан яраглан, чексиз саховат фидойилик бахт эша олган юксак фахр ва гўзаллик шавқидан бе-бахрадилар.

● МУҲАББАТ емиш бў-либ қолмасин. Юлдуз бўл-син, нур бўлсинким токи

лог бўлганини билмайди, тани-майди ҳам. Чунки клиникада би-ринчи мутахассиснинг одатда жу-да бўлмаса сурати бўлиши керак.

Мен эртасига Термизда ҳарбий госпиталда хизматни бошлаб юбордим. Шаҳар поликлиникаси ва амбулаторийлари, ҳаттоки касал-хонаси ҳам рентгенологга муҳтож экан. Тез орада ошна-оғайинлар кўпайиб кетди. Ҳафтада бир марта кечқурун йиғилишиб, кеча-си алламаҳалгача чаққақлашиб ўтирамиз. Шунча пайтларда гос-питалининг бошлиғи, подполковник Михайленко (эшигимиз ёнма-ён) ҳайрон қолар экан. Бу қайсқа кетди ахир, Термиз ярим махфий шаҳар-ку деб мендан гумон қи-лар экан. Бу ҳақда Термистон ҳарбий округига дам-бадам хабар бериб турар экан. Бир кун мен-дан аллақандай айб топиб, ўн кунга ҳибсда ўтиришга ҳукм чи-қаришди. Тез орада мени Сибир-га, шини ўша ерда давом эттириш учун жўнатиш ҳукми ҳам чиқди. Бу ҳодисани келиб чиқиши ора-дан анча вақт ўтгандан сўнг маъ-лум бўлди. Михайленко Термистон ҳарбий округи билан биргаликда келишиб, менга ўлим ҳукмини раво қўрибди. Бу мақсадга осон-гина эришиш учун автомобиль ҳалокатини муносиб топди. Шун-да округда кадрлар бўлимининг бошлиғи подполковник сўз олиб «Эгамбердиев Улуг Ватан уруши-нинг фаол иштирокчиси, бешта фарзандининг отаси, гуноҳи тас-диқланмаган, бинобарин, рентгено-логни яхшичи Сибирга хизматга жўнатиш керак», дебди. Ана шун-дай қилиб мени Сибирга юборилиб-ман. Шунга ҳам шукур.

Вақти келиб Тошкентда Уруш фахрийларининг уюшмаси тузил-ди. Уюшмада ойда бир ёки икки марта йиғилишиб; керакли маса-лаларни кўриб чиқар эдик. Уюшма деворларида унинг аъзоларининг рангли суратлари ўз жойини топ-ган эди. Мамина, яъни тиббиёт хизматидagi подполковник, Ўзе-бистонда хизмат кўрсатган шифо-кор, тиббиёт фанлари номзоди. Пирогов мукофотининг совридо-ри, биринчи ўзбек рентгенолог-сифатида иззат-ҳурмат топдим.

...50 йил рентгенолог бўлиб хиз-мат қилдим. Бу жуда-жуда кўп муддат. Чунки рентген нуруларни инсон танаси учун зарарли бўлгани туфайли бу соҳада 20 йилдан ор-тиқ ишлаш мумкин эмас. Бу ер-да ҳам мени худонинг ўзи асра-ди, деса бўлади. Ҳозиргача 500 дан зиёд мақола, 37 рисола, ми-ниатюра ва бир қанча китобларни нашр эта билдим. Интилганга толе ёр, деб шунга айтадилар!а!

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор, тиб-биёт фанлари номзоди, уруш ва меҳнат фахрийси.

Кўпинча «севги кўза» дейдилар. Модомики инсон қалб билан, бунёд экан, қалб эса меҳр чашмасидан сув ичади. Бу чашма ҳаёт кўзгусини, яшнатадики, ин-сон кўзларида ялвланади.

Зеро голибликка интил-ган жойда севиғи бўлмайди. ● СЕВГИ фақат ҳис-туй-ғуга ўта бериувчан, ҳис-сига бота ёки таъсирчан кимсалар томонидан ўйлаб топишган нарсаси ҳам, беқор-чилар учун эрмак ҳам, бе-тайин тутуруқсиз кимсалар учун ўйинчоқ ҳам эмас. У илоҳий томондан инсо-ларга тандим этилган инъ-омдирки — кимки уни хор қилса у дунё-ю, бу дунё жағасиз қолмас.

● СЕВГИНИНГ қушан-даси ўта бефаҳмлиғи, ўта синчков, фаросатлиғи. Чун-ки эътиборга муҳтожлик ҳам, ортиқ даражада «на-зоратда бўлиш ҳам қизи-қинчи сўлидрди.

● СЕВГИШДАН қўрқиниш эмас, балки ундан фахрла-ниш керак. Чунки бу «жасо-ратга» чин қалб соҳибиги-на қодир.

Саодат УМРЗОҚОВА.



Қизларнинг ўзига хос сирлари бўлади. Уч дугона бир бўлдим, гап албатта севиғи ҳақида бориш шубҳасиз. Бах-тингиз ёр бўлсин қизларжон.

Равил Альбеков сурати.

* Ғазалхонлик

ҒИЖЖАК

Турфа созларини ўзига созлаган ғижжак эрур,
Ишқ элиға чин вафодан сўзлаган ғижжак эрур.

Торларидан чиққан садоси барчани мафтун қилиб,
Рохат, ором бахш этишни кўзлаган ғижжак эрур.

Ул камонча зорланур торни бетоқат қилиб,
Қулдириб гоҳ, йиғлатиб гоҳ бўзлаган ғижжак эрур.

Қўлга олса зўр созада, икки ҳамроҳ бир бўлиб,
Ноласин, ҳатто бўлбуп излаган ғижжак эрур.

Танбуру дутор мисол қалбимда бир заъқ кўзатиб,
Миржомолға ишқ вафодан сўзлаган ғижжак эрур.

НАВОСИМИСАН

Аёлға хос латофату, назонат нозил —
Не хислат бор барн ичра танҳосимисан!

Нозик табассум-ла боқини бобнда якто
Қизлар аро ўзинг жоним, зебосимисан!

Ҳар иборанг ҳамсўхбатга жон бахш этувчи,
Ёки хаста диллар меҳриғеимисан!

Чаманзорда кўрқ бағишлаб турган гулларнинг —
Ичда сен энг анвоий раъносимисан!

Ўз тақдирин сенга абад бахшда этган,
Бахтлиқ қай бир йигит умрин маъносимисан!

Ҳар бир сўзинг булбуп сасидек Миржомолим,
Мафтун қилган дуторнинг навосимисан!

Миржомол МИРЕҚУБОВ.

* Бу — қизик

ОЛТИН ОЙНАЛАР ПОДШОЛИГИ

Бруней давлатининг мут-лақ хўжаси Ҳасанал Бол-киах мамлакатининг йигирма тўқтинчи султони бўлиб, бойлиги 37 миллиард дол-ларга тенг бўлган, дунёдаги энг бадавлат кишидир. Бол-киахнинг 250 енгил машина-си бор. Бирок унинг кичи-кина мамлақати жойлаш-ган Калимантан оролида автомобиль йўлининг ўзи йўқ ҳисоби. Султон дегирли ҳар кун унинг шахсий «Боник — 727» тайёрасида денгиз устида сайр қилишни қилди қилмайди. Ҳасанал-нинг ихтиёрида ўз порти бор, бирок у ҳеч қачон у ер-га бормаган. Шунингдек, катталари оламдаги ҳеч бир кема билан таъққослаб бўл-майдиган ала кемаси ҳам бор.

Жанубий Хитой денгизин билан чегарадош бу афсо-навий мамлакат ўрмон ва тўғайзорга бой ўлка. Табиий газ ва нефтьга бой оролга келадиган даромад Япония-дан аллақандай юқори тура-ди. Брунейликлар давлатга солиқ тўламайди, аҳолиға таъбабат ёрдами ва билим бериш бепул. Аҳолининг хоҳлаган фуқароси йилга бир марта Макаға — Му-қаддас Ҳаж сафарига бепул бориш ҳуқуқига эга. Бу мамлакатда Ислам дини тартибига қатъий риоя қи-линади.

Султоннинг ягона қалъа-си — Вандар-Сери-Бегаван-дир. Бу ерда кафе, одамлар кўп тўпланадиган ҳордиқ чи-қариш жойлари ва дўконлар деярли йўқ. Оролда яқинла-ягона маданий марказ одам-нинг кўзини ўйнатиб ҳай-рон қолдирадиган султон са-ройдир. Гумбази олтинлан-ган 20 гектарли жаннатма-кон сарой 1876 хонадониди-ибора. Шунингдек, 700 енгил машинага мўлжаллан-ган гараж ҳам шу саройдан ўрин олган. Соат сайин сул-тоннинг бойлиги 4 миллион долларга ўсади.

Ҳасаналнинг саройида ҳукумат уйи бор. Бу ерда хориждан қақирилган меҳ-монлар қабул қилинади. Чет

Қидирбой ТўЛАБОВЕВ тайёрлади.

Яқинда Тошкент шаҳри Юнусов туманининг 38-оқш-оват маҳсулотлари дўконига шаҳар савдо хо-димларининг семинари бў-либ ўтди.

Бу семинар асли шу йил-нинг апрелида Киров тумани-нинг 39-дўконидан бош-ланди. «Ўзбексавдо» Ассо-циацияси таппасбос билан бу ерда Тошкент шаҳри ва вилоятнинг энг тадбиркор савдо ходимлари йиғилиш-

ди. Дўкондаги камчилик ва ютуқлар эътиборга олинди. Шу кунни бу тадбиринг ҳаф-

ҲАМ ЎҚУВ, ҲАМ ЁРДАМ

та сайин ҳар бир туманда ўтказишга қарор қилинди. Семинар ҳисоботидан сўнг ёрдамталаб дўконларга ҳар

томонлама кўмак берилади-ган бўлиди. Маана шу кун-гача шаҳардаги 560 дўкон-

чоралар кўрилди, дўконлар-ни етишмаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъ-минлаш имкониятлари кў-риб чиқилди.

Бу сафар ҳам шаҳар бў-йича 350 мағазин раҳбарла-ри, тақрибани савдо ходим-лари ва гуруҳга бўлиниб, Юнусов тумани дўконла-рида семинар ўтказилди. Бунинг учун 10 та дўкон таълаб олинган.

Самойар ФАХРИДИНОВА.

Тошкентдаги 482-болалар богчаси тарбиячилари кичинтойларда ҳушчақчақ ва қўноқ қайфиятини уй-ғон-мас мақсадида хайрли ишга кўл урдилар.

Ҳар бир куннинг кўтаринки руҳда бошлангани болалар-да ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса богчада кўтирчоқ театрини очиниға олиб келди. Бу кичик саҳнада болалар руҳий оламига мос бўл-ган қўноқ асарлар саҳналаштирилмоқда.

Меҳрибон тарбиячилари бошчилигида ёш санъаткор-лар яқинда «Войжоним» спектаклидан айрим сахналарини тайёрлашди. Мазкур томошани кўриш учун қўшни бола-лар болаларидан ҳам кичинтойлар тақсир қилинди.

Кўтирчоқ театри биринчи сентябрь олдидан «Қўноқ-лар даврасида» деб аталган томошани болаларга таъдид этади.

Алқабр АЛИЕВ.

